

БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИДА ЮРАК ФАОЛИЯТИНИ ЎЗГАРИШ ДИНАМИКАСИ

Ниязов Зафар Муқимович

*Андижон давлат тиббиёт институти
ички касалликлар преедеветика кафедраси ўқитувчиси
тиббиёт фанлари номзоди
Андижон, Ўзбекистон республикаси*

Аннотация: Ушбу мақолада 7-11 ёшдаги ўқувчиларда юрак фаолиятини ўзгариш динамикаси, яъни бошланғич синф ўқувчиларини юрак уришлар частотасини (марта/дақиқа) солиштирмаси ўрганилиб тахлил қилинди
Калит сўзлар: организм, юрак фаолияти, қон, функционал холат, юрак уришлар частотаси.

ДИНАМИКА ИЗМЕНЕНИЯ СЕРДЕЧНОЙ АКТИВНОСТИ У УЧАЩИХСЯ НАЧАЛЬНОЙ ШКОЛЫ

Ниязов Зафар Муқимович

*Андижанский государственный медицинский институт
преподаватель кафедры внутренних болезней преедеветика
кандидат медицинских наук
Андижан, Республика Узбекистан*

Аннотация: В статье исследуется и анализируется динамика изменения сердечной деятельности у школьников 7-11 лет, т.е. сравнение частоты сердечных сокращений (раз в минуту) младших школьников. Ключевые слова: организм, сердечная деятельность, кровь, функциональное состояние, сердце. показатель.

Ключевые слова: организм, сердечная деятельность, кровь, функциональное состояние, частота сердечных сокращений.

Организмни қон айланиш тизимига қўйиладиган талаби сезиларли даражада ўзгариб туради, шу сабабли юракни фаолиятини ҳам кенг спектрда ўзгариб туришини талаб қилинади.

Юракни оптимал адаптацияланиши унинг функцияларини бир бирларига мос ҳолда ва қатъий тартибда ўзгаришига боғлиқ бўлади. Юрак фаолиятини маъёрдан озгина бўлса ҳам ўзгариши, сезиларли бузилишларни келтириб чиқариши мумкин.

Бу ўз навбатида бир бутун организмни қон билан таъминланишини хавф остига қўяди. Шу сабабли мазкур муаммони ўрганиш ҳозирги вақтда долзарб ҳисобланади.

Маълумки одам организмида қон айланиш тизимининг функционал ҳолати ва захира имкониятлари организмни жисмоний юкламаларга нисбатан мосланиши даражасини, ташқи муҳитни тўхтовсиз ўзгариб туришига мақсадга мувофиқ узликсиз мослашиб бориш реакцияларини шаклланишини белгилаб беради.

Мазкур ишда бошланғич синф ўқувчиларини юрак уришлар частотасини (марта/дақиқа) солиштирма таҳлил қилишни ўрганиш мақсад қилиб олинган.

Ўқувчиларда юрак уришлар сонини фонендоскоп асбоби ёрдамида бевосита кўкрак қафасида юракни устига қўйиб 15 сек. давомида санаб кейин 4 га қўпайтириш орқали аниқланди.

Кузатув ишлари Андижон шаҳри халқ таълими бўлимига қарашли 50-умумий ўрта таълим мактабида олиб борилди.

7-ёшга кирган ўғил болаларни тинч ҳолатда бир минутда юрак уришлар сони ўртача $95,0 \pm 4,0$ та ташкил қилди, 8-ёш кирган ўқувчиларда юрак уришлар сонини ўртача кўрсаткичи $92,0 \pm 4,0$ тага тенг чиқди, 9-ёшга кирган ўқувчиларни юрак уришлар сони ўртача $89,0 \pm 3,0$ тенг бўлди, 10 ёшга кирган ўғил бола ўқувчиларда юрак уришлар сонини ўртача кўрсаткичи $84,0 \pm 5,0$ тага тенг чиқди ва 11 ёш болаларни юрак уришлар сонини ўртача кўрсаткичи $79,0 \pm 4,0$ тани ташкил қилди.

Ўртача кўрсаткичлар орасидаги фарқ 7 ва 8 ёш оралиғида 3,0 тага тенг бўлиб статистик жиҳатдан муқаррар чиқди ($p < 0,05$), 8 ва 9 ёш ўртасида юрак уришлар сони орасидаги фарқ 3,0 тани ташкил қилди ва бу фарқ статистик жиҳатдан муқаррардир ($p < 0,05$), 9 ва 10 ёш ўртасидаги фарқ 5,0 та бўлиб статистик жиҳатдан муқаррар ҳисобланади ($p < 0,01$) ва 10 ҳамда 11 ёш оралиғидаги фарқ 5,0 тага тенг бўлиб статистик жиҳатдан муқаррар эканлиги аниқланди.

Бошланғич синфда ўқиётган 7 ёшга кирган қиз болаларни бир минутда юрак уришлар сонини ўртача кўрсаткичи $93,0 \pm 4,0$ тага тенг, 8 ёшга кирган қиз болаларни юрак уришлар сонини ўртача кўрсаткичи $93,0 \pm 2,0$, 9 ёшга кирган ўқувчи қизларни юрак уришлар сонини ўртача кўрсаткичи $85,0 \pm 5,0$ тага тенг, 10 ёшга кирган қизларни юрак уришлар сони $83,0 \pm 3,0$ тани ташкил қилди ва 11 ёшли ўқувчи қизларни юрак уришлар сонини ўртача кўрсаткичи $82,0 \pm 5,0$ тани ташкил қилди.

Ўқувчи қизларни бир минутда юрак уришлар сонини ўртача кўрсаткичлари орасидаги фарқда ишонарли муқаррарлиги фақат 8 ва 9 ёш ўртасида кузатилди бошқа ёш оралиқларида ёшни ортиб боришига кўра юрак уришлар сонини камайиши кузатилса ҳам, бу ўзгаришлар статистик жиҳатдан муқаррар чиқмади. Олинган маълумотлардан шу нарса аниқландики юрак уришлар частотаси 7-11 ёш диапозонида чизиқли тарзда камайиб бориши кузатилди.

Бу ҳолат ўғил болаларда қиз болаларга нисбатан аниқроқ кузатилди ва буни шу ёшдаги ўғил болаларни қизларга нисбатан жисмоний фаоллигини юқоридаги билан тушунтириш мумкин.

Иккала жинс вакилларида ҳам юрак уришлар частотасини 9 ва 10 ёш оралиғида кўпроқ камайиши организмда парасимпатик нерв тизимини таъсири шу диапозонда ортиб бораётганлигини кўрсатади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Анатомия и физиология /Майкл Лазарофф; перевод с английского П.А. Ерохова.—М.:Астрель:АСТ, 2007.

2. Прищепа И.М. Возрастная анатомия и физиология: учебное пособие.- Минск: Новое издание, 2006г. Гурьева А.Б., Егорова Е.Е., Дегтярева Т.Г. Методы оценки индивидуально-типологических особенностей физического развития. - Якутск, 2003г.
3. Гурьева А.Б., Егорова Е.Е., Дегтярева Т.Г. Методы оценки индивидуально-типологических особенностей физического развития. - Якутск, 2003г.
4. Дегтярева Т.Г., Осинская А.А., Афанасьева О.Г. Анатомия сердца.- Якутск, 2005г
5. Аронов Д.М. Функциональные пробы в кардиологии. медпресс-информ 2007.
6. Кушнир С. М. Вегетативная дисфункция и вегетативная дистония: [монография] / Кушнир С. М., Антонова Л. К. . - Тверь , 2007 .
7. Лабораторная диагностика заболеваний сердечно- сосудистой системы / Минздравсоцразвития РФ, ВолГМУ . - Волгоград : Изд-во ВолГМУ , 2009
8. Лисицын Ю.П. Здоровье населения и современные теории медицины: Критический анализ. - 2-е изд., перераб. и доп. - М., 1982.
9. Пути повышения эффективности первичной и вторичной профилактики артериальной гипертензии и ишемической болезни сердца: психофизиологические аспекты проблемы : учеб. пособие / УМО по мед. и фарм. образ. вуз. России, ГОУ ВПО "СаратГМУ Росздрава"; [авт. кол.: А. И. Кодочигова и др.] . - Саратов : Изд-во СаратовГМУ , 2008 .
- 10.Руководство по амбулаторно-поликлинической кардиологии:рек. Минздравсоцразвития РФ для врачей, оказыв. первич. мед.-сан. помощь / гл. ред. : Ю. Н. Беленков, Р. Г. Оганов . - М. : ГЭОТАР-Медиа , 2007 .